

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАШРАПОВ ХУСНИДДИН ТУРСУНАЛИЕВИЧ

**СУНЪИЙ ВА ТАБИИЙ ШАРОИТЛАРДА ҒЎЗАНИНГ *VERTICILLIUM
DAHLIAE KLEBAHN* БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ХУСУСИЯТИНИ ЎРГАНИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx178 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманов Сергей Анварович

қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Раҳмонкулов Саид-Акбар Раҳмонкулович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Мамараҳимов Бунёд Икромович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 - рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «31» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (533965 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси, 1-қават. Тел.:(99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «18 » мартда тарқатилди.

(2018 йил «01» мартдаги 6 рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда пахта етиштирувчи аксарият мамлакатларда ғўзанинг ўсув даврида *V.dahliae* замбуруғи билан зарарланиши кузатилмоқда. Ғўзанинг ушбу замбуруғ билан зарарланиши натижасида пахта ҳосилдорлигининг кескин камайиши ва тола сифатининг бузилишига олиб келади. *V.dahliae* замбуруғининг зарари натижасида АҚШда 30,5 фоиз ва Эронда 30-40 фоиз пахта ҳосили камайиши кузатилмоқда. Марказий Осиёнинг пахтачилик минтақаларида мазкур замбуруғли касаллик ҳар йили ўртача 8-10 фоиз, айнан Ўзбекистонда 10-15 фоизгача пахта ҳосилини нобуд қилмоқда.

Дунё пахтачилигида ғўза навлари, тизмалар ва дурагайларнинг *V.dahliae* билан касалланиш хусусиятлари ва ушбу касалликларга бардошли селекцион ашёларни яратиш бўйича кенг қамровли изланишлар амалга оширилмоқда. Касалликларга юқори бардошли ғўза навларини яратишда селекциянинг биотехнология, хужайра селекцияси, ген муҳандислиги каби усулларини қўллаб янги навларни яратиш, ҳар хил хромосомаларга эга бўлган ўсимликларни узоқ дурагайлашда номутаносибликни бартараф этиш, навларда қимматли-хўжалик белгиларини белгиловчи маркерларни аниқлаш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иқлимнинг ҳар хил шароитда келиши ҳамда юқори ҳарорат замбуруғларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши, шунингдек, дала шароитида замбуруғ бир хил меъёردа ривожланмаслиги, ушбу касалликка бардошли ўсимликларни танлашда турли муайян муаммоларни келтириб чиқариши ғўзанинг иммунитетини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилишини тақозо қилмоқда.

Республикамиз аграр соҳасидаги пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ялпи ҳосил миқдорини кўпайтириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ғўза касалликлари пахта ҳосилини, айниқса эпифитотия йиллари кескин камайиши мумкин. Ғўзани хавфли касалликларидан бири ғўзанинг вертициллёз вилт касаллиги ҳисобланади. Вертициллёз вилт ўрта толали ғўза навларида минтақада энг кенг тарқалган ва зарарли касалликлардан бири бўлиб, кучли касалланиши натижасида сезиларли даражада пахта ҳосили нобуд бўлади ва кейинги йилларда мазкур майдонларда ғўза экишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Вертициллёз вилт кўзғатувчиси яратилган янги ғўза навларига тез ва осон мослашади ва экилаётган навларга нисбатан вирулентлиги, патогенлиги ва фаоллиги ошади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ва тупроқ, иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш...» каби вазифалар билан пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган¹. Ғўза иммунитетига бағишланган селекцион тадқиқотларда *V.dahliae* замбуруғининг янги изолятларини (штаммларини), бошланғич ашё, дурагай ва навларни бардошлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

сунъий ва табиий инфекцион шароитларда аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон 2016-2020 йилларда «Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижда *V.dahliae* турига мансуб замбуруғи борасидаги илмий изланишлар Испания ва Изроилда N.Korolev, E.Perez-Artes, J.Bejarano-Alcazar, D.Rodriguez-Jurado, T.Katan, R.M.Jimenez-Diaz, АҚШда А.А.Марани, Z.V.Vacobi, Россияда Л.К.Анпилогова, В.В.Чекмарев, О.С.Афанасенко, О.Г.Григорьева, Қозоғистонда М.Койшибаев, М.А.Есенбекова, Тожикистонда Р.П.Молчановалар томонидан сунъий инфекцион шароитларда турли қишлоқ хўжалиги экинларида олиб борилган. Республикада ғўзани *V.dahliae* замбуруғлари билан зарарланиши бўйича С.М.Мираҳмедов, Ф.В.Войтенко, П.В.Попов, А.Марупов, Р.Г.Ким, Н.С.Мирпўлатова, А.Шералиев, Б.О.Хасанов, М.С.Раҳманкулов томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб ижобий натижаларга эришилган.

Вертициллёз вилт кўзғатувчиси яратилган янги ғўза навларига осон мослашиши, олдингиларига нисбатан вирулентлиги, патогенлиги ва агрессивлиги кучли бўлган расалари пайдо бўлишини ҳисобга олиб, сунъий ва табиий инфекцион шароитида ўрта толали ғўза навлари, тизмалари ва оилаларида *V.dahliae* замбуруғи билан кассаланиш хусусиятлари, ушбу касалликларга бардошли селекция ашёлар яратиш борасидаги изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат аграр университети Қ/х экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедрасининг «Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сунъий ва табиий инфекцион шароитларда ўрта толали ғўза навлари, тизмалари ва оилаларида *V.dahliae* замбуруғи билан касалланиш хусусиятларини аниқлаш ва ушбу касалликларга бардошли селекция ашёларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

V.dahliae ҳар хил изолятлар билан зарарланган сунъий ва табиий инфекция шариоитларда навлар ва тизмаларнинг генотипик бардошлилигини аниқлаш;

V.dahliae замбуруғи билан зарарланган сунъий ва табиий инфекция шариоитларда ғўзанинг F₁-F₂ дурагай ўсимликларини ота-она шакларининг генотипик бардошлилигини инобатга олган ҳолда *V.dahliae* замбуруғига бардошлилигини ирсийланишини ва ўзгарувчанлигини ўрганиш;

V.dahliae замбуруғи билан зарарланган табиий инфекция шариоитларни F₁-F₂ дурагай ўсимликлари шаклланишига таъсирини ўрганиш;

ҳар хил навларнинг зарарланган ўсимликларидан янги *V.dahliae* изолятлари билан сунъий инфекция шариоитда инокуляция қилиш орқали навлар ва тизмаларни бардошлилигини аниқлаш;

ғўзанинг вертициллёз вилт касаллигига турли хил омилларнинг таъсирини ўрганиш;

конкурс нав синовида қимматли-хўжалик белги кўрсаткичларига ва вертициллёз вилт касаллигига бардошли, андоза навлардан устун тизмаларни Давлат нав синовининг грунт нав назоратига тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб С-6524, Наманган-77, Барҳаёт, Шодиёна, Омад, С-8290, Султон, Бухоро-6, Бухоро-102, Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навлари, Т-35, Т-36, Т-37, Т-40, Т-41 тизмалари, F₁-F₂ дурагай комбинациялардан ҳамда С-6524, Наманган-77, Барҳаёт, Шодиёна, Омад, С-8290, Султон ва Бухоро-6 навларининг зарарланган ўсимликларидан ажратиб олинган (Ўз ФА Микробиология ИТИ да) *V.dahliae* замбуруғи изолятларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ғўза селекцияси учун қимматли хўжалик белгиларнинг юқори мажмуасига эга бўлган генетик бойитилган *V.dahliae* замбуруғига бардошли қимматли селекция ашёлар яратишда янги нав ва тизмаларни гермоплазмаси, ҳар хил *V.dahliae* изолятлари билан зарарланган инфекция шариоитларда навлар ва тизмаларнинг генотипик бардошлилиги, ушбу инфекция шариоитларни ғўзанинг F₁-F₂ дурагай ўсимликлари ўсиб ривожланишига таъсири, ҳар хил навларнинг зарарланган ўсимликларидан янги *V.dahliae* замбуруғининг изолятлари билан сунъий инфекция шариоитда инокуляция қилиш орқали навлар ва тизмаларни бардошлилиги, сунъий ва табиий инфекция шариоитларида ўрта толали ғўза навлари, тизмалари ва оилаларида *V.dahliae* замбуруғи билан кассаланиш хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Барча амалий тадқиқот ишлари ПСУЕАИТИда сунъий (фитотрон) ва кучли табиий зарарланган инфекция шариоитларида ўтказилди. Ю.И.Иқромов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Сунъий инфекция шариоитни яратиш ва селекция ишларида қўллаш» қўлланмадан фойдаланилди. Ўсимликларнинг вертициллёз вилт билан касалланиш даражасини намоён бўлишини А.Марупов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган 4 балли шкалада аниқланди. Барча амалий тадқиқот натижалари, белгиларнинг рақамли кўрсаткичлари, вариацион-статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов услуги бўйича ва доминантлик даражаси S.Wright формуласи бўйича ҳисобланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли навларнинг зарарланган ўсимликларидан ажратиб олинган *V.dahliae* замбуруғ изолятлари билан сунъий инфекцион шароитда ўсимликларни инокуляция қилиш асосида навлар, тизмалар ва дурагайларни генотипик бардошлилиги аниқланган;

турли *V.dahliae* изолятлари билан зарарланган сунъий инфекцион шароитда ғўзанинг F₁-F₂ дурагай ўсимликларини ота-она шакллариغا нисбатан генотипик бардошлилигини инобатга олган ҳолда *V.dahliae* замбуруғига бардошлилигини ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги аниқланган;

сунъий инфекцион шароитда ўсимликларнинг зарарланиш даражаси табиий инфекцион шароитга нисбатан ижобий натижалар олиш мумкинлиги исботланган;

кўп омилли дисперсион таҳлиллар асосида, чигитларни лазер нури билан нурлантирилганда *V.dahliae* замбуруғига ғўзанинг бардошлилик даражасини ошиши аниқланган;

сунъий ва табиий инфекцион шароитларида ўсимликларни *V.dahliae* замбуруғига бардошлилигини ва бошқа қимматли хўжалик белгилари асосида ғўзанинг Т-35, Т-36, Т-37 тизмалари ва СП-7703 нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

селекция жараёнининг бошланғич босқичларида сунъий ва табиий инфекцион шароитларда вилт касаллигига бардошли бошланғич ашёларни, оилаларни, тизма ва навларни яратиш тажрибалар асосида ажратилган юқори вирулентлик хусусиятига эга бўлган *V.dahliae* изолятларини ғўза селекцион ашёларини касалланишини аниқлашда қўллаш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ғўзанинг янги қимматли хўжалик белгилари, вертициллёз вилт касаллигига чидамлилиги буйича андоза навлардан устун бўлган СП-7703 нави ва Т-35, Т-36, Т-37 тизмалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг республика ва чет эл илмий-тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга нав ва тизмаларни яратиш соҳасида кенг жорий қилинганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларида муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *V.dahliae* замбуруғининг ҳар хил изолятлари билан зарарланган сунъий ва табиий инфекцион шароитларда навлар ва тизмаларнинг генотипик бардошлилиги, *V.dahliae* замбуруғи билан зарарланган сунъий ва табиий инфекцион шароитларда ғўзанинг F₁-F₂ дурагай ўсимликларини ота-она шаклларида генотипик бардошлилигини инобатга олган ҳолда *V.dahliae* замбуруғига бардошлилигини ирсийланишини ва ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш, ғўзанинг вертициллёз вилт касаллигига турли хил омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сунъий инфекцион шароитда ғўза ўсимликларининг зарарланиш бўйича аниқ ва ишонarli маълумотларни олиш мумкинлиги, сунъий инфекцион шароитда ҳар хил навлардан ажратиб олинган *V.dahliae* изолятлари билан инокуляция қилинган навларнинг касалланишини аниқлаш асосида 2, 4 ва 6-изоляцияларнинг вирулентлиги юқори бўлганлиги боис, селекцион ишларга жалб қилиниши ва *V.dahliae* замбуруғи билан зарарланган сунъий инфекцион шароитда ўсимликларни инокуляция қилиш асосида вертициллёз вилт касаллигига ва бошқа қимматли хўжалик белгиларни ижобий мажмуасига эга бўлган нав ва тизмаларни яратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзанинг селекцион ашёларини сунъий ва табиий инфекцион шароитларда вертициллёз вилт касаллиги билан зарарланишини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

V.dahliae замбуруғига бардошли ўрта толали ғўзанинг «СП-7703» нави 2017 йилда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясидан навдорлик бўйича синовдан муваффақиятли ўтган (Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2018 йил 15 январдаги 53-4/27-сон маълумотномаси). Натижада вертициллёз вилт касаллигига бардошли оилалар, тизма ва навларни яратишда ажратилган юқори вирулентлик хусусиятига эга бўлган *V.dahliae* замбуруғ изолятлари қўлланилмоқда;

вертициллёз вилт касаллигига бардошли ва бошқа қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган, серҳосил, тола чиқими ҳамда сифати юқори ғўзанинг ўрта толали «СП-7703» нави ва Т-35, Т-36, Т-37 тизмалари яратилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 10 февралдаги 02/20-97-сон маълумотномаси). Яратилган ўрта толали ғўза навларига мансуб тизмалар амалий селекция жараёнида бошланғич ашё сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 3 та халқаро, ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашларда 6 та моқола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сунъий ва табиий инфекцион шароитларда ўсимликларни *V.dahliae* ва бошқа касалликлар билан касалланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда бардошли ашёлар яратиш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хориж олимларининг ўсимликларда вертициллёз вилт касаллигининг таъсири ва зарарланиш хусусиятлари, вертициллёз вилтга қарши курашда бошланғич ашёнинг аҳамияти ва вилтга чидамли навлар яратиш, ўсимликларни касалланганлиги даражасини баҳолаш усуллари, сунъий инфекцион шароитларни яратиш ва ушбу шароитларда генетик-селекцион тадқиқотлар натижаларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жойи, тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объекти, ўтказиш услуби, тажрибаларда олиб борилган кузатувлар, ҳисоблашлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Сунъий (фитотрон) ва табиий инфекцион шароитларда ғўзанинг *Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан касалланиш хусусиятларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида ғўза тизмалари ва дурагай ўсимликларнинг *V.dahliae* замбуруғи билан сунъий ва табиий инфекцион дала шароитларида касалланиши, морфологик ва қимматли хўжалик белгиларининг таҳлили келтирилган.

Биринчи «Ғўза навларини сунъий инфекцион шароитда *Verticillium dahliae* Klebahn га бардошлилиги ва ушбу забуруғ изолятлари билан ўзаро таъсирининг кўп омилли дисперсион таҳлили» бўлимида навларнинг касалланиш бўйича ўртача кўрсаткичлари (А-омил) 80,5-97,9 % оралиғида бўлиб, изолятлар бўйича ўртача кўрсаткичларига (В-омил) нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

С-6524, Наманган-77 ва Шодиёна навларидан ажратиб олинган изолятлар билан инокуляция қилинган С-6524 ва Наманган-77 навларнинг ўсимликлари *V.dahliae* замбуруғи билан умумий ҳолатда 100 % зарарланиши кузатилди. Изолятларнинг вирулентлиги бўйича ўртача кўрсаткичлари (В-омил) С-6524, Наманган-77 ва Барҳаёт навларидан ажратиб олинган изолятларда 90-93,3 % ни ташкил этди. Шодиёна ва Омад навларидан ажратиб олинган изолятлар билан инокуляция қилинганда ўртача кўрсаткичлар (В-омил) 88,7-86,6 % ни, С-8290 навдан ажратиб олинган изолят билан инокуляция қилинганда ўртача кўрсаткич (В-омил) энг паст (70,7 %) бўлганлиги аниқланди. Изолятлар бўйича ўртача кўрсаткичлар (В-омил) С-6524 ва Наманган-77 навларидан ажратиб олинган изолятлар бошқа изолятларнинг ўртача кўрсаткичлари орасида фарқланиш ишонарли даражада бўлганлиги кузатилди. Барҳаёт, Шодиёна ва Омад навларининг ўртача кўрсаткичлари (А-омил) орасида фарқланиш ишонарли даражада бўлмаганлиги аниқланди. Ўрганилган навларнинг (А-омил) F_{ϕ} кўрсаткичи F_{ϕ} А=79,1 бўлиб, изолятларнинг (В-омил) F_{ϕ} кўрсаткичига

нисбатан ($F_{\phi} V=69,71$) катта фаркланиш аниқланмади. Омилларнинг ўзаро боғланишлари паст ижобий ишонарли даражада ($F_{\phi} AB=4,6$) бўлди.

Навларнинг кучли ҳолатда зарарланиши бўйича ўртача кўрсаткичлари (А-омил) 19,0-58,8 % ни, изолятлар бўйича ўртача кўрсаткичлари (В-омил) эса 11,2-42,7 % оралиғида бўлиб, навларнинг ўртача кўрсаткичлари (А-омил) 7,8-16,1 % гача юқори бўлди. Изолятларнинг вирулентлик даражаси С-6524, Наманган-77 ва Барҳаёт навларидан ажратиб олинган изолятларда юқори бўлди. *V.dahliae* замбуруғи билан кучли ҳолатда зарарланишини ўртача кўрсаткичлари (А-омил) С-6524 ва Наманган-77 навларида қайд этилиб, бошқа ўрганилган навларга нисбатан 25,3-30,0 % гача юқори бўлганлиги аниқланди.

Учинчи «Сунъий инфекцион муҳитда ҳар хил ҳарорат шароитларида ғўза навларини *Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан касалланиши» бўлимида тажрибага жалб қилинган С-6524, Наманган-77, Барҳаёт, Шодиёна, Омад ва С-8290 навларидан ажратиб олинган *V.dahliae* замбуруғининг изолятларини вирулентлик даражаси ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлганлиги аниқланди. Сунъий инфекцион шароитда апрел-май ойларида ғўза ўсимликларини инокуляция қилиш орқали ғўза навларини *V.dahliae* билан касалланишини, яъни навларни бир-бирига нисбатан бардошлилигини аниқлаш ва ўсимликлар орасида якка танлов ишларини олиб бориш мумкин.

2016 йилда ҳар хил генотипга эга бўлган С-6524, Султон, Бухоро-6, Бухоро-102 ва Андижон-36 навларида *V.dahliae* билан ҳар хил навлардан ажратиб олинган изолятлар билан сунъий инфекцион шароитда инокуляция қилганда касалланишни ўзгариш суръати ўрганилган. Ўсимликлар С-6524 (1-изолят), Наманган-77 (2-изолят), С-6524 (3-изолят Бўкадан олиб келинган ўсимлик), С-6524 (4-изолят Бўкадан олиб келинган ўсимлик), Султон (6-изолят), Бухоро-6 (8-изолят) навларидан ажратиб олинган изолятлар билан инокуляция қилинган. Тажрибада С-6524 навидан учта изолят жалб қилинган: 1-изолят ПСУЕАИТИ нинг табиий вилт билан зарарланган даласидан; 3 ва 4-изолятлар Бўка туманидан С-6524 нави касалланган ўсимликлардан ажратиб олинган, қолган изолятлар институтнинг табиий зарарланган майдондаги навларнинг касалланган ўсимликларидан ажратиб олинган. С-6524 навидан ажратилган учта изолятларнинг вирулент даражаси турлича бўлганлиги кузатилди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1-кузатувда 2, 4 ва 6-изолятлар ўрганилган изолятлар орасидан энг юқори вирулентлик хусусиятига эга бўлганлигини намоён этди.

2-кузатув маълумотлари 1-кузатув маълумотларига нисбатан тажриба вариантларининг аксариятида кучли ҳолатда *V.dahliae* замбуруғи билан касалланган ўсимликлар бўлгани кузатилди.

3 ва 8-изолятларнинг навларга нисбатан вирулент хусусияти паст бўлганлиги яққол ажралиб турибди. 3-изолят билан инокуляция қилинган тажриба вариантыда 3 балл даражада касалланган ўсимликлар фақат Султон навида кузатилди (2,5 %). 2 балл даражада касалланган ўсимликлар сони унчалик юқори бўлмади ва кўрсаткичлар 1,4-3,8 % ни ташкил этди. Ушбу вариантда Андижон-36 навида 3 ва 2 балл даражада касалланган ўсимликлар кузатилмади. Шунга ўхшаш ҳолат 8-изолят билан инокуляция қилинган вариантда ҳам намоён бўлди.

Энг юқори вирулентлик хусусияти 2, 4, 6-изолятларда қайд этилди. Ушбу вариантларда 3 балл даражада касалланган ўсимликлар сони 2,8-27,5 % ни, 2 балл даражада касалланган ўсимликларни сони эса 4,3-40,5 % ни ташкил этди.

Энг юқори кўрсаткичлар Султон ва Бухоро-6 навларида бўлгани аниқланиб, 1 балл даражада касалланган ўсимликлар сони 17,8-39,5 % ни ташкил этди. Ушбу вариантлар орасида 6-изолятнинг вирулентлик хусусияти анча юқори бўлганлиги кузатилди.


1-изолят, 2-кузатувда олинган маълумотларга кўра ўртача вирулентлик хусусиятига эга бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган аксарият тажриба вариантларида Султон нави ўсимликлари *V.dahliae* замбуруғи билан кўпроқ касалланганлиги аниқланди.

Расмда келтирилган гистограммада 3-кузатувда ўрганилган навлар ўсимликлари юқори даражада касалланганлиги кузатилди. Касалланмаган ўсимликлар сони бўйича энг юқори кўрсаткичлар 3 ва 8-изолятлар билан инокуляция қилинган вариантларда намоён бўлди. Ушбу вариантларда касалланмаган ўсимликларни сони 31,0-76,0 % ни, 1 балл даражада касалланган ўсимликлар сони 18,7-42,7 %, 2 балл даражада 2,6-22,5 % ни ва 3 балл даражада касалланган ўсимликлар сони эса 1,2-12,0 % бўлганлиги кузатилди.

Кучли даражада касалланган ўсимликлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари С-6524 ва Султон навларида қайд этилди. 1-изолят билан инокуляция қилинган вариантда 3 балл даражада касалланган ўсимликлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари С-6524 ва Бухоро-6 навларида (17,9-18,4 %) бўлганлиги аниқланди.

Султон ва Бухоро-102 навларида 8,9-10,0 % гача ва энг ижобий кўрсаткич эса Андижон-36 навида (2,1 %) кузатилди. 2, 4, 6-изолятлар билан инокуляция қилинган вариантларда 3 балл даражада касалланган ўсимликлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари Султон навида (28,4-36,1 %) бўлганлиги аниқланди. С-6524 навида 3 балл даражада касалланган ўсимликлар сони 11,9-25,9 % ни, Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларида 20,8-29,2 % ни ва энг паст кўрсаткич эса Андижон-36 навида (5,3- 8,3 %) бўлгани аниқланди. 2 балл даражада касалланган ўсимликлар сони ушбу вариантларда (Андижон-36 навидан ташқари) 17,8-39,2 % ни, Андижон-36 навида эса 8,3-29,2 % ни ташкил этиб, ўрганилган навларга нисбатан 9,5-10,0 % га паст бўлгани аниқланди. 1 балл даражада касалланган ўсимликлар сони 2-изолят билан инокуляция қилинганда навларнинг аксариятида (Андижон-36 навидан ташқари) 18,8-23,8 % ни, Андижон-36 навида эса бу кўрсаткич 44,2 % ни, 4-изолят билан инокуляция қилинганда 19,0-32,4 %, Андижон-36 навида эса 33,3 % ни ва 6-изолят билан инокуляция қилинганда 26,6-33,3 %, Андижон-36 навида эса бу кўрсаткич 34,7 % бўлгани кузатилди.

Тўртинчи «Сунъий инфекцион шароитда ғўза навларни ва *Verticillium dahliae* Klebahn забуруғ изолятларининг ўзаро таъсирини кўп омилли дисперсион таҳлили» бўлимида навларнинг умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сонининг ўртача кўрсаткичлари (А-омил) 56,1-78,5 % ни, изолятлар бўйича ўртача кўрсаткичлари (В-омил) эса 41,9-79,8 % оралиғида бўлганлиги кузатилди. А-омил бўйича энг юқори ўртача кўрсаткич Султон навида, энг паст кўрсаткич эса Андижан-36 навларида кузатилди. Бошқа тажрибада иштирок этган навларда А-омилнинг ўртача кўрсаткичлари 63,6-65,2 % оралиғида бўлганлиги аниқланди.



1-расм. Сунбый инфекциян шарионда ўсимликларни *V. dahliae* замбурғи билан касалланишни балл даражада ўзгарши суръали (3-қузғув).

Султон навида *V.dahliae* замбуруғи билан умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони 53,6-93,1 % оралиғида бўлиб, Наманган-77 ва С-6524 (4-изолят) изолятлари билан Султон нави ўсимликларини инокуляция қилинган тажриба вариантлари ўртача кўрсаткичлари орасида ишонарли фарқланиш кузатилмади. Энг юқори ўртача кўрсаткич Султон навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинган вариантда қайд этилди. Шунга ўхшаш ҳолат (Андижон-36 навидан ташқари) тажрибада жалб қилинган навларда ҳам кузатилди.

Андижон-36 навида, С-6524 (4-изолят) изолятдан ташқари аксарият инокуляция қилинган изолятларнинг таъсири курсаткичлари бўйича ишонарли фарқланиш кузатилмади. Ушбу навда энг юқори *V.dahliae* замбуруғи билан умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони 69,4 % ни, С-6524 (4-изолят) изоляти билан инокуляция қилинганда кузатилди. Энг паст *V.dahliae* замбуруғи билан умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони ўрганилган навга боғланмаган ҳолда С-6524 (3-изолят) изоляти билан инокуляция қилинганда намоён бўлди. Бу эса, навларни *V.dahliae* замбуруғи билан касалланишига навларни келиб чиқиши, яъни генотипнинг катта таъсири борлигини ифодалайди. В-омил изолятлар бўйича юқори ўртача кўрсаткичлар Наманган-77, С-6524 (4-изолят) ва Султон навларидан ажратилган изолятларида кузатилди ва қолган изолятларга нисбатан 17,1-34,9 % гача юқори бўлгани аниқланди. Наманган-77, С-6524 (4-изолят) ва Султон навларидан ажратилган изолятлар юқори вирулентлик хусусиятига эга бўлганлиги кузатилди. Наманган-77 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда С-6524 нави ўсимликлари 60,7 % касалланди ва Султон навига нисбатан 19,3 % га, Бухоро-6 навига нисбатан 8,2 % га, Бухоро-102 навига нисбатан 12,4 % га, Андижон навига нисбатан 5,1 % гача юқори бўлганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат С-6524 (3-изолят) изолятидан ташқари бошқа изолятлар билан инокуляция қилинганда намоён бўлди. В-омил бўйича ҳақиқий кўрсаткичи $F_{\phi} A=63,2$ ни ташкил этиб, назарий кўрсаткичга нисбатан анча юқори бўлганлиги ($F_{0,5} A =4,44$) аниқланди. А-омил бўйича ҳақиқий кўрсаткичи $F_{\phi} A=22,1$ бўлгани кузатилди. Бу эса ўрганилган навларни касалланишига В-омил, яъни инокуляция қилинган изолятни таъсири анча юқорилигини кўрсатади.

Навларнинг кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сонини ўртача кўрсаткичлари (А-омил) 16,3-43,3 % ни, изолятлар бўйича ўртача кўрсаткичлари (В-омил) эса 13,4-52,5 % оралиғида бўлганлиги аниқланди. А-омил бўйича ўсимликларни ўртача зарарланган кўрсаткичи Андижон-36 навида 16,5 % кузатилиб, қолган навларга нисбатан 14,9-26,8 % гача паст бўлганлиги аниқланди. С-6524 навига нисбатан ўртача кўрсаткичлар орасида ишонарли фарқланиш Бухоро-6 ва Андижон-36 навларида намоён бўлди. С-6524, Султон ва Бухоро-102 навларининг *V.dahliae* замбуруғи билан кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сонининг ўртача кўрсаткичлари ишонарли даражада фарқланиш бўлмаганлиги кузатилди.

С-6524 навида кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сонининг энг юқори ўртача кўрсаткичи Наманган-77 ва Султон навлари ўсимликларидан ажратиб олинган изолятлари инокуляция қилинган вариантларда намоён бўлди. С-6524 (3-изолят) ва Бухоро-6 навлари ўсимликларидан ажратиб олинган изолятлар инокуляция қилинган вариантларда бошқа вариантларга нисбатан кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар

сонининг ўртача кўрсаткичлари 20,2-23,6 % га паст бўлгани аниқланди. А ва В-омилларнинг ўзаро таъсири ўсимликларни умумий ҳолатда зарарланишига кўпроқ таъсир этганлиги аниқланди.

Бешинчи «*Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан табиий зарарланган шароитда ғўза навларини касалланиши ва касалланишнинг ўзгариш суръати» бўлимида олинган маълумотларда умумий ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони С-6524 ва Султон навларида 64,0-62,9 % ни ташкил этиб, Бухоро-6, Бухоро-102 ва Андижон-36 навларига нисбатан 17,6-39,9 % ни, СП-7702 ва СП-7703 навларига нисбатан 43,4-50,2 % гача юқори бўлганлиги аниқланди. Кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони С-6524 ва Султон навларида 6,9-11,7 % ни, қолган навларда эса 0 % дан 3,4 % гача бўлганлиги кузатилди. Энг юқори касалланиш даражаси С-6524 ва Султон навларида (0,86-0,89) кузатилди. Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларининг касалланиш даражаси кўрсаткичлари С-6524 ва Султон навларига нисбатан анча ишонарли бўлганлиги намоён бўлди. Энг паст касалланиш даражаси кўрсаткичлари Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навларида қайд этилиб, кўрсаткичлар 0,13-0,25 орасида бўлди. Ушбу белги кўрсаткичлари асосида Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навларини вертициллёз вилт касаллигига бардошли деб баҳо бериш мумкин.

Учинчи кузатув (15-сентябрда) ўтказилганда Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навлари ўзининг вертициллёз вилтга бардошлилигини намоён этди. Касалланмаган ўсимликлар сони 77,0-87,3 % ни ташкил этиб, Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларига нисбатан 23,3-37,1 % гача, С-6524 ва Султон навларига нисбатан 40,9-50,2 % гача юқори бўлганлиги аниқланди. 1 балл даражада касалланган ўсимликлар сони 1-кузатувга нисбатан анча юқори бўлиб, С-6524, Султон, Бухоро-6 ва Бухоро-102 навларида кузатилди. Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навларига нисбатан 20,8-23,0 % гача юқори бўлганлиги аниқланди.

2 балл даражада касалланган ўсимликлар сони навга боғлиқ ҳолда 0,6-12,6 % оралиғида бўлиб, энг кам 2 балл даражада зарарланган ўсимликлар сони Бухоро-6, Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навларида (0,6-8,1 %) бўлгани кузатилди. 3 балл яъни кучли даражада зарарланган ўсимликлар Андижон-36 ва СП-7703 навларида кузатилмади. Тадқиқотларда иштирок этган бошқа навларда зарарланиш 1,3-11,7 % оралиғида бўлиб, юқори касалланиш даражаси С-6524 ва Султон навларида қайд этилди.

Олтинчи «*Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан табиий ва сунъий (Фитотрон) инфекция шароитда ғўза навларни тажрибаларнинг такрорларига боғланган ҳолда зарарланиш даражаси» бўлимида сунъий (Фитотрон) инфекция шароитда ўсимликларни умумий зарарланиши 1-такрорга нисбатан оғиши 0,9-13,6 % ни, табиий инфекция шароитида эса 0,8-45,0 % ни, кучли зарарланиши эса 0-35,9 % ни, табиий инфекция шароитида эса бу кўрсаткич 0-136,8 % ни ташкил этди. Энг катта 1-такрорга нисбатан оғиши сунъий (Фитотрон) инфекция шароитида ўсимликларни умумий зарарланиши бўйича Бухоро-6 ва Андижон-36 навларида, табиий инфекция шароитида эса С-6524 ва Султон навларида бўлганлиги аниқланди. Сунъий (Фитотрон) инфекция шароитда навларнинг бардошлик коэффициенти бўйича 1-такрорга нисбатан оғиши 1,6-11,1 % ни, табиий инфекция шароитида эса 0-43,9 % ни ташкил этди. Сунъий

(Фитотрон) инфекцион шароитда энг юқори 1-такрорга нисбатан оғиши Андижон-36 навида (9,3-11,1 %), табиий инфекцион шароитида эса С-6524 (6,1-43,9 %) навида бўлганлиги кузатилди.

Саккизинчи «Сунъий инфекцион шароитда ғўза чигитларни лазер нури билан нурлантирилганда *Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан зарарланишини кўп омилли дисперсион таҳлили» бўлимида чигитларни лазер нури билан нурлантирилган тажриба вариантыда умумий ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони андоза вариантыга нисбатан 14,8-18,2 % гача паст бўлганлиги аниқланди. С-6524 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда кучли ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони тажриба вариантыда андоза вариантыга нисбатан 4,1 % га сезиларли даражада паст бўлгани, Наманган-77 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда эса кучли ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони тажриба вариантыда андоза вариантыга нисбатан бир мунча юқори бўлиб, ушбу фарқланиш сезиларли даражада бўлмаганлиги кузатилди.

«Чигитларни лазер нури билан нурлантириш» А-омилнинг умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сонининг ҳақиқий кўрсаткичи $F_{\phi} A=178,8$ ни ташкил этди, назарий кўрсаткичи эса $F_{0,5} A=5,12$ ни, «Ҳар хил изолятлар таъсири» В-омилнинг умумий ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони ҳақиқий кўрсаткичи $F_{\phi} B=43,8$ ни ташкил этди, назарий кўрсаткичи эса $F_{0,5} B=5,12$ бўлганлиги аниқланди.

СП-7702 нави ўсимликларининг умумий ҳолатда зарарланишида А ва В-омилларнинг ўзаро таъсири сезиларли даражада бўлмади. Олинган маълумотларнинг таҳлили СП-7702 навининг вертицилёз вилтига бардошлилигига А-омилнинг таъсири В-омилга қараганда кўпроқ бўлгани аниқланди.

Бир мунча бошқа ҳолат СП-7703 навининг вертицилёз вилтига бардошлилигини ўрганишда намоён бўлди. Андоза ва тажриба вариантларининг ўсимликларини умумий ҳолатда зарарланишини ўртача кўрсаткичлари орасидаги фарқланиш инокуляция қилинган изолятларга боғлиқ бўлмаган ҳолда сезиларли даражада бўлди. Умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони тажриба вариантыда андоза вариантыга нисбатан 17,3-18,2 % гача, кучли ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони эса 10,8-12,9 % гача паст бўлгани кузатилди. Омилларнинг таъсири бўйича энг юқори кўрсаткичлар инокуляция қилинган изолятларга боғланмаган ҳолда «Чигитларни лазер нури билан нурлантириш» А-омилда умумий ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони бўйича бўлганлиги аниқланди.

СП-7703 нави ўсимликларининг умумий ҳолатда зарарланишида А ва В-омилларнинг ўзаро таъсири сезиларли даражада бўлмаганлиги кузатилди.

Олинган маълумотларнинг кўп омилли дисперсион таҳлиллари асосида шуни хуласа қилиш мумкинки, чигитларни лазер нури билан нурлантиришни *V.dahliae* замбуруғнинг изолятларига бардошлилик даражасининг самарадорлиги бошланғич ашёнинг келиб чиқишига, яъни дурагайлашда иштирок этган навлар генотиپига боғлиқлиги аниқланди.

Ушбу сунъий инфекцион шароитда *V.dahliae* замбуруғи билан кассаланиши бўйича ўтказилган тажрибалар табиий инфекцион шароитда ҳам ўтказилганда, назорат вариантда СП-7702 навининг ўсимликлари кўпроқ зарарланганлиги кузатилди. Умумий ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони СП-7702 навида

(15.09 да) 20,7 % ни ташкил этиб, СП-7703 навига нисбатан 8,0 % гача кўпроқ бўлгани кузатилди. Чигитларни лазер нури билан нурлантириш ўсимликларни зарарланишига ижобий таъсир кўрсатиб, СП-7702 навида назорат вариантыга нисбатан умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони тажриба вариантыда 15.09 да 8,04 % га паст бўлгани аниқланди. Кучли ҳолатда зарарланган ўсимликларнинг сони назорат ва чигитларни лазер нури билан нурлантириш вариантлари орасидаги фарқланиш сезиларли даражада бўлмади. Ушбу ҳолат СП-7703 навида ҳам кузатилди. Кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар СП-7703 навида намоён бўлмади.

Демак, чигитларни лазер нурлари билан нурлантириш ўсимликларни вилт билан касалланиши камайишига ижобий таъсир қилганлиги намоён бўлиб, СП-7702 навида ушбу таъсирнинг кўрсаткичи СП-7703 навига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди.

Тўққизинчи «Сунъий инфекциян шароитда тизма ва дурагайлар ўсимликларининг *Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан касалланиши» бўлимида Т-40 (*Ghirsutum* L.) ва Т-41 (*G.tomentosum* Nutt. Ex Seem. ва *G.mustelinum* Miers. Ex Watt турлар иштироқида олинган) тизмалари ва ушбу тизмалар иштироқида олинган F₁-F₂ дурагайларидан фойдаланилган. Сунъий инфекциян шароитда ушбу тизмалар ва F₁ дурагай комбинациялар С-6524, Наманган-77 навларидан ажратиб олинган изолятлар билан инокуляция қилиниб, *V.dahliae* замбуруғи билан касалланиши ўрганилган. Иккинчи кузатув натижаларидан тизмаларни умумий ҳолатда касалланиши С-6524 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда умумий ҳолатда 64,5-81,2 % ни, кучли ҳолатда эса касалланиши 14,8-22,9 % ни, Наманган-77 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда умумий ҳолатда касалланиши 78,3-83,7 % ни, кучли ҳолатда касалланиши эса 19,6-30,8 % ни ташкил этди. F₁ Т-41 х Т-40 дурагай ўсимликлари умумий ва кучли ҳолатда касалланиши иккала изолятда F₁ Т-40 х Т-41 дурагай комбинацияга нисбатан кўпроқ касалланди.

Учинчи кузатувда юқорида кўрсатилган ҳолат сақланиб қолинди, яъни С-6524 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда F₁ Т-41 х Т-40 дурагай комбинациясида умумий ва кучли ҳолатда ўсимликларни касалланиши бўйича салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолати намоён бўлди. F₁ Т-40 х Т-41 дурагай комбинациясида эса умумий ҳолатда ўсимликларни касалланиши бўйича ижобий гетерозис, кучли ҳолатда ўсимликларни касалланиши бўйича эса тўлиқсиз доминантлик ҳолати намоён бўлди.

Наманган-77 навидан ажратилган изолят билан инокуляция қилинганда умумий ва кучли ҳолатда ўсимликларни касалланиши бўйича иккала дурагай комбинациясида ижобий гетерозис ҳолати кузатилди.

Ўнинчи «Ўза тизмалари ва дурагай ўсимликларининг *Verticillium dahliae* Klebahn замбуруғи билан табиий инфекциян шароитида касалланиши, морфологик ва қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари» бўлимида келтирилган табиий инфекциян шароитида 15-сентябрда ўтказилган кузатув натижасида ўрганилган тизма ва дурагайларда кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар бўлганлиги келтирилган. Тизмаларда 15-сентябрда кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони 4,1-4,2 % ни, дурагайларда эса 2,3-4,3 % ни ташкил

этди. F₁T-41 x T-40 дурагай комбинациясида кучли ҳолатда зарарланганлиги бўйича салбий (-3,0), реципрок комбинациясида эса ижобий гетерозис (37,0) ҳолати намоён бўлди.

Тизмаларда 15-сентябрда зарарланган ўсимликларнинг сони умумий ҳолатда 43,3-55,6 % ни ташкил этиб, T-41 тизма кўпроқ касалланганлиги аниқланди. F₁T-41 x T-40 дурагай комбинациясида умумий ҳолатда касалланган ўсимликлар сони 51,4 % бўлиб, реципрок комбинациясига нисбатан 17,6 % га юқори бўлганлиги аниқланди. F₁T-41 x T-40 дурагай комбинациясида умумий ҳолатда зарарланиш бўйича ўртача салбий (-0,31), T-40 тизма оналик сифатида олинган дурагай комбинациясида эса ижобий гетерозис (2,54) ҳолатлари намоён бўлди.

Умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони T-40 тизмасида энг юқори 6 % гача бўлганлиги 2017 йилда олинган маълумотлардан кўриш мумкин. Биринчи ва иккинчи бўғин дурагайларида реципрок таъсири кузатилиб, T-40 тизмаси оналик сифатида олинган дурагай комбинацияларида зарарланган ўсимликларни сони камайиши намоён бўлди.

T-41 x T-40 биринчи ва иккинчи дурагай бўғинларида зарарланган ўсимликлар сони 51,1-51,4 % ни, реципрок дурагай комбинацияларида эса 33,8-49,4 % ни ташкил этди. Худди шунга ўхшаш кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони бўйича ҳам кузатилган. Умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони C-6524 назорат навида 86,2 %, кучли зарарланган ўсимликлар сони эса 27,8 % ни ташкил этиб, тизма ва дурагайларга нисбатан умумий ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони 26,9-52,4 % ва кучли ҳолатда зарарланган ўсимликлар сони эса 21,2-25,5 % га юқори бўлганлиги кузатилди. Олинган маълумотлар бўйича ўрганилган тизма ва дурагай комбинациялар вилт касаллигига бардошли навларни яратишда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари асосида яратилган СП-7703 нави ва тизмаларда қимматли хўжалик белгиларнинг шаклланиши» деб номланган тўртинчи бобида яратилган ўрта толали ғўзанинг СП-7703 навини қимматли хўжалик белги кўрсаткичларини катта нав синови кўчатзориди андоза C-6524 навида таққослаб ўрганилган маълумотлар келтирилган. Вертициллёз вилт билан касалланиши умумий ҳолатда андоза C-6524 навида 14,5-27,0 % ни, кучли ҳолатда эса 8,0-10,3 % оралиғида бўлганлиги аниқланди. СП-7703 нави ўсимликларида вертициллёз вилт билан касалланиши умумий ҳолатда 7,3-9,0 % ни ва кучли ҳолатда эса 2,0-2,1 % ни ташкил этди. Демак, СП-7703 нави андоза C-6524 навида нисбатан вертициллёз вилтга бирмунча чидамли бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган СП-7703 нави ўсимликларида кўсақларни очилиш суръати андоза навидан 1-4 кунга эртапишар бўлди. Битта кўсақдаги пахта вазни бўйича СП-7703 навининг кўрсаткичи 6,6-6,7 г. га тенг бўлиб, андоза C-6524 навидан 0,9-1,1 г. га юқори бўлди. Икки йиллик маълумотларга кўра, СП-7703 навининг умумий пахта ҳосилдорлиги ўртача 41,0-43,5 ц/га. ни ташкил этиб, андоза C-6524 навида нисбатан 108,5-109,3 % га серҳосиллиги кузатилди.

Тола чиқими СП-7703 навида 38,3-40,3 % ни ташкил этиб, умумий тола ҳосили эса 15,2-17,5 ц/га бўлиб, андоза C-6524 навида нисбатан 111,8-115,9 % га юқори эканлиги аниқланди. Ўрганилган навимизда толанинг микронеёр

кўрсаткичи 4,2-4,5, тола узунлиги 1,17-1,21 дюйм, солиштирма узилиш кучи эса 35,1-37,3 г.к/текс бўлиб, олинган натижалар андоза навадан устун даражада бўлди. 2017 йилда ушбу нава ДНС га топширилди ва навадорлик бўйича синовдан ўтди.

Яратилган тизмаларнинг битта кўсагдаги пахта вази 6,9-7,2 г оралиғида бўлиб, андоза С-6524 навага нисбатан 1,5-1,8 г. га юқори бўлганлиги намоён бўлди. Тола чиқими белгиси бўйича кўрсаткичлар 39,8-40,5 % бўлиб, андоза навага нисбатан 3,5-4,2 % га юқори тола чиқими эга бўлди. Тола узунлиги 35,9-36,4 мм. ни, толанинг микронейр кўрсаткичи 4,1-4,3 ни, тола узунлиги 1,22-1,27 дюймни, солиштирма узилиш кучи эса 33,1-35,5 г.к/тексни ташкил этди.

Вертициллёз вилт билан касалланиши умумий ҳолатда 22,9-28,1 % ни, кучли ҳолатда эса 0,7-2,8 % ни ташкил этиб, андоза С-6524 навага нисбатан 15,3-17,4 % гача паст бўлгани кузатилди. Демак, яратилган Т-35, Т-36, Т-37 тизмаларнинг қимматли хўжалик белги кўрсаткичлари бўйича андоза С-6524 навага нисбатан анча юқори бўлганлиги намоён бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. Олинган маълумотларнинг кўп омилли дисперсион таҳлиллари асосида, тажрибага жалб қилинган навларни ўрганилган *V.dahliae* замбуруғни изолятларига бардошлилик даражаси турли навларда ҳар хил бўлганлиги, умумий ҳолатда зарарланишига навларнинг генотиби ва изолятларнинг таъсири деярли бир миқдорда бўлганлиги, кучли ҳолатда зарарланишига навларнинг генотипининг таъсири кўпроқ эканлиги аниқланди.

2. С-6524, Наманган-77, Барҳаёт, Шодиёна, Омад ва С-8290 навларидан ажратиб олинган *V.dahliae* замбуруғининг изолятларини вирулентлик даражаси ҳар хил бўлиб, С-6524, Наманган-77, Барҳаёт, Шодиёна ва Омад навларидан ажратиб олинган изолятлар юқори вирулентлик хусусиятига эга бўлганлиги кузатилди.

3. Ғўза навларини сунъий инфекцион шароитдан фойдаланган ҳолда *V.dahliae* замбуруғи билан касалланиши асосан С-6524 навида кузатилди, иккинчи кузатувда аксарият изолятлар билан инокуляция қилинганда касалланишнинг ўртача кўрсаткичлари анча юқори бўлганлиги айниқса учинчи кузатувларда бир бирига яқин бўлганлигини аниқланди.

4. *V.dahliae* замбуруғининг изолятларини вирулентлик даражаси ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлганлиги учун, сунъий инфекцион шароитда апрел-май ва август-сентябр ойлари ғўза ўсимликларини инокуляция қилиш орқали навларини *V.dahliae* замбуруғи билан касалланиши, бир-бирига нисбатан бардошлигини аниқлаш ва ўсимликлар орасида яқка танлов ишларини олиб бориш мумкин.

5. Сунъий инфекцион шароитда ҳар хил навлардан ажратиб олинган *V.dahliae* замбуруғи изолятлари билан инокуляция қилинган навларнинг аксариятида кучли ҳолатда касалланган ўсимликлар сони 2, 4 ва 6-изолятлари билан инокуляция қилинган вариантларда кўпроқ бўлгани кузатилди. Кучли ҳолатда касалланган

ўсимликлар сонининг энг паст кўрсаткичи Андижон-36 навида бўлганлиги аниқланди.

6. Табиий инфекцион шароитда 2 балл даражада касалланган ўсимликларнинг энг кам сони навга боғлиқ ҳолда Бухоро-6, Андижон-36, СП-7702 ва СП-7703 навларида бўлгани кузатилди. Кучли даражада (3 балл) зарарланган ўсимликлар Андижон-36 ва СП-7703 навларида кузатилмади, С-6524 ва Султон навларида касалланган ўсимликларнинг сони юқори бўлганлиги аниқланди.

7. Сунъий инфекцион шароитда ғўза ўсимликларининг *V.dahliae* замбуруғи билан зарарланиш бўйича аниқ ва ишонарли маълумотлар олиш мумкин.

8. Кўп омилли дисперсион таҳлиллар асосида, чигитларни лазер нури билан нурлантирилганда *V.dahliae* замбуруғининг изолятларига навларнинг бардошлилик даражасини самарадорлиги келиб чиқишига боғлиқлиги аниқланди.

9. Сунъий ва табиий инфекцион шароитларда селекция жараёнининг бошланғич босқичида вилтга бардошли бошланғич ашёлар, оилалар ажратиш ва янги тизма ҳамда навлар яратиш услубида тажрибалар асосида сунъий инфекцион шароитда ажратилган юқори вирулентлик хусусиятга эга бўлган вертициллёз вилт изолятларини кўллаш тавсия этилади.

10. Ўрганилган Т-35, Т-36, Т-37 тималари навлардан ажратиб олинган *V.dahliae* замбуруғининг изолятларига бардошлилиги юқори бўлганлиги кузатилиб, ушбу тизмаларни селекция ишларга жалб қилиши тавсия этилади.

11. Тадқиқотлар натижасида яратилган ўрта толали ғўзанинг «СП-7703» нави ДНС нинг (Давлат нав синови) Грунт нав назоратидан наводорлик бўйича муваффақиятли ўтди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАШРАПОВ ХУСНИДДИН ТУРСУНАЛИЕВИЧ

**ИЗУЧЕНИЕ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ХЛОПЧАТНИКА
VERTICILLIUM DAHLIAE КЛЕВАНН В ИСКУССТВЕННЫХ И
ЕСТЕСТВЕННЫХ УСЛОВИЯХ**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Qx178

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.agrar.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Усманов Сергей Анварович
кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Рахмонкулов Саид-Акбар Рахмонкулович
доктор биологических наук, профессор

Мамарахимов Бунёд Икромович
доктор сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Самаркандский сельскохозяйственный институт

Защита диссертации состоится «31» марта 2018 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./Факс (99871) 260-48-00. e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета 1 этаж, конференц зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № 533965). Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская дом 2. Тел./Факс (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «18» марта 2018 года.
(протокол рассылки № 6 от «01» марта 2018 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с/х.н., доцент

М.М.Адилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с/х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире в большинстве хлопкосеющих государствах отмечено распространение гриба *V.dahliae*. Заболевание хлопчатника этим грибом приводит к снижению урожайности и ухудшению качества волокна. В результате заражения грибом *V.dahliae* наблюдается снижение урожайности хлопка-сырца в США на 30,5 %, а в Иране на 30-40 %. В хлопкосеющих районах Центральной Азии вследствие заболевания грибом *V.dahliae* наблюдается снижение урожайности в среднем на 8-10 %, а в Узбекистане на 10-15 %.

В настоящее время во всем мире проводятся многочисленные исследования по изучению особенностей заболевания сортов, линий и гибридов хлопчатника *V.dahliae* и созданию селекционных материалов, устойчивых к этому заболеванию. Проводятся исследования по таким приоритетным направлениям, как создание новых сортов с использованием методов биотехнологии, селекции клеток, генетической инженерии в создании сортов хлопчатника, устойчивых к заболеваниям, устранение несоответствие в долгой гибридизации растений, имеющих различные хромосомы, установление определяющих маркеров драгоценно-хозяйственных признаков в сортах. Изменение климата, а также повышение температуры в разные годы оказывает отрицательное влияние на развитие гриба. Так же в полевых условиях гриб не развивается равномерно и это вызывает определенные трудности при отборе устойчивых к данной болезни растений. Решение этих проблем требует проведения исследований по повышению иммунитета хлопчатника.

